O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY K... INV.№

# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: xalksuzi@uzpak.uz • 2004 йил 5 май № 93 (3368) Чоршанба

## Ёшлар корхонаси



*Сурхондарёда «Сурхонтекс» Ўзбекистон—Америка қўшма корхонаси ҳақида гап очилгудек бўлса, каттаю кичикнинг оғзидан бол томади. «Ҳақиқий ёшлар корхонаси бўлди у. Шундай корхонани бунёд этганларга раҳмат!» — дейишади.*

**Чиндан ҳам, йилига 4 минг 200 тонна калава ип ишлаб чиқариш қувватига эга ушбу даргоҳда ҳозир мингдан зиёд қишлоқ ёшлари замонавий дастгоҳларни бошқармоқда. Улар тайёрлаган маҳсулотларнинг асосий қисми хорижга экспорт қилинаяпти. Бу эса жамоанинг иқтисодий салоҳияти янада ошишини таъминлаётир.**

**Келгусида қўшма корхонада халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилади. Натижада яна 100 дан зиёд янги иш ўринлари очилади.**

**СУРАТЛАРДА: оператор Назирахон Девонақулова; қўшма корхонанинг ташқи кўриниши.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.**



*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида бўлиб ўтган йиғилишда Олий Мажлиснинг ўн тўртинчи сессиясида Президент Ислом Каримов томонидан қўйилган вазифаларни бажариш юзасидан қилиниши лозим бўлган ишлар кўриб чиқилди. Унда республикамиздаги барча олий ўқув юртлари ректорлари ва проректорлари иштирок этди.*

## Тарбия — таълимнинг асосий вазифаси

29-30 март ва 1 апрелдаги террорчилик ҳаракатлари нафақат жамиятимиз, балки бутун жаҳонни ларзага солди, деди йиғилишни очар экан олий ва ўрта махсус таълим вазири С.Ғуломов. Президентимиз Олий Мажлис сессиясидаги ўз нутқида экстремистлар тўрига, асосан, оиласи ва ўқув юртида етарли тарбия олмаган ёшлар тушиб қолганини таъкидлади. Шу сабабли ёшларни зарур билим ва касб билан таъминлашдан ташқари ватанпарварлик, давлатимиз мустақиллигининг олий мақсадлари руҳида тарбиялашни кучайтириш лозим.

— Миллий истиқлол ғояси Ўзбекистон халқини демократик ҳуқуқий давлат қуришга қаратилган яратувчанлик ишида жипслаштирган асосий омилга айланди, — деди Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари А.Азизхўжаев. — Ёшлар — бизнинг таянчимиз, келажагимиз. Шу боис барчамиз ҳозирги ёшлар жамиятимизнинг муносиб аъзолари, юксак маънавиятли шахс, ўз Ватанига содиқ бўлиб ўсиши учун ғамхўрлик қилишимиз керак. Фақат юксак маълумотга эга кишиларгина осуда ҳаётимизга ҳар қандай йўллар билан раҳна солмоқчи бўлаётган турли экстремист ва террорчиларнинг ҳийла-найрангларига қарши тура олади. Бу борада ёшларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини шакллантириш, миллий онгини мустаҳкамлаш жуда муҳимдир. Ўқув юртларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш, расмиятчиликни йўқотиб, биринчи навбатда ёшлар эҳтиёжларига йўналтириш лозим.

Йиғилишда олий ўқув юртларида бундай ишлар етарли даражада самарали олиб борилмаётгани ҳақида сўз борди. Барча олий ўқув юртларида услубий база билан таъминланган "Маънавият ва маърифат" марказлари ташкил этилган. Бироқ ўсмир ва қизларнинг бир қисми мураббий назаридан четда қолмоқда, ўқишдан бўш вақтларини ўзлари билганича ўтказмоқда. Ҳар бир талабага ўзига хос ёндашувни топиш, уларни халқимизнинг мустақиллик йилларида эришган ютуқлари, умумбашарий ва миллий қадриятлар мисолида тарбиялаш жараёнини ташкил этиш зарур. Бу ишларни нафақат олий ўқув юртларида, балки талабалар ётоқхоналарида ҳам олиб бориш, талабаларни ижтимоий ҳаётга кенгроқ жалб қилиш лозим.

Йиғилишда республикамизнинг барча олий ўқув юртларида Президентимизнинг Олий Мажлиснинг ўн тўртинчи сессиясидаги нутқини ўрганишни ташкил этиш тавсия этилди.

**А.ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

Жойлардан хабарлар

### *Латвияликлар Самарқандда*

Ўзбекистон Республикаси Банклар ассоциацияси Кенгашининг махсус дастурига мувофиқ юртимизга келган Латвия банки ва Олий таълим Банк институтининг бир гуруҳ мутахассислари ва профессор — ўқитувчилари Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида бўлишди.

Латвиялик меҳмонлар институт кафедраларида, марказлари ва кутубхонасида бўлишиб, таълим ислоҳотларининг амалга оширилиши, бозор талабларига мос кадрлар тайёрлаш тажрибаси билан яқиндан танишдилар. Ўқитувчи ва талабалар билан учрашувлар ташкил этилди. Учрашув чоғида меҳмонлар Латвия банкларининг мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда тутган ўрни, банк соҳасида мутахассис-кадрлар тайёрлаш амалиёти тўғрисида ахборот бердилар.

Учрашув давомида икки мамлакат олий ўқув юртлари манфаатларига қаратилган шартнома тузилди.

**М. ТОЖИЕВА.**

### *Болалар соғлом бўлсин деб*

Бухоро вилояти спорт қўмитаси қошида 2,6 минг нафар болалар ва ўсмирлар машғулот ўтказишига мўлжалланган "Умид" соғломлаштириш мажмуаси ишга туширилди, — дея хабар беради "Туркистон-пресс" мухбири А. Қудратов.

— Унда ёшларнинг барча спорт турлари билан шуғулланишлари учун етарли шароитлар яратилган.

Мажмуада машғулотларни малакали мураббийлар олиб боришади. Яқин кунлар ичида жойларда ҳам соғломлаштириш мажмуаси филиалларини очиш кўзда тутилмоқда.

*Ҳаракатда — баракат*

## Одамнинг ғурури бўлсин

Очиғи, Президентимизнинг Олий Мажлиснинг XIV сессиясидаги «...шундай лоқайдлик ва бепарволикни кўрганда, одам беихтиёр ёниб кетади, эй, одамзод, кўзингни оч, Ўзбекистонни вайронага, халқимизни қулга айлантирмоқчи бўлганлардан, болаларимизни алдаб, уларни ўзимизга қарши қайраб юрганлардан огоҳ бўл, деб ҳайқиргиси келади», деган гаплари бутун вужудимни титратиб юборди. Ҳақиқатан ҳам, шундай бир пайтда мен ўзимни, шахсий манфаатимни ўйласам, бошқа биров ҳам шундай қилса, юрт, миллат тақдири нима бўлади?

Чармгар маҳалламиз Қаршининг энг қадимий масканларидан бири. Номи ҳам азалий касбкордан олинган. Айтмоқчиманки, маҳалламиз аҳли қадимий шон-шуҳратимизни ва бугунги довруғимизни ҳам яхши билади. Ҳозир, халқимиз 90-йиллардаги одамлар эмас. Улар ҳар жиҳатдан ўсган.

Биз, аввало, оилада, сўнгра мактабда, қолаверса, маҳаллада ёшлар тарбиясига жиддий қараймиз. Улар онгига ўз маҳалламиз, ўз шаҳримиз, ўз вилоятимиз, ўз Ватанимиз билан фахрланиш туйғусини ҳар куни, ҳар соатда сингдириб бораяпмиз. Тўғри-да, аввало одамнинг ори, ғурури бўлсин. Ғурурсиз одамгина ғофилликка берилади. Ғофиллик — тарқоқлик, худбинлик дегани. Ўзбек бўлса бир майизни қирққа бўлиб еб ҳамки қорни тўйган эл. Ота-онасини ардоқлаб боққан, фарзандларидан ширин жонини аямаган, серташвиш кунда ҳамсоя-овулига қардош-елкадош бўлган ғурурли халқ.

Биз бугунги ҳур замонда ҳам кечаги қора кунимизни асло унутмаймиз. Истиқлолга осонликча эришмаганимизни, бу саодатли, ёруғ кунлар бир вақтлар асрий орзу бўлганлигини ҳам яхши биламиз. Демоқчиманки, эзгу мақсадларимизга эришиш ўзимизга боғлиқлигини яхши тушунамиз. Ўз ёруғ келажагимизни ўзимиз яратамиз. Буни тўйда ҳам, маъракада ҳам ёш-ялангларга ётиғи билан тушунтирамиз.

Маҳалладошларим шу Ватан бахт-саодати учун жонини аямайдиган инсонлар. Бу гапларимда сира муболаға йўқ. Чунки биз озодлик нима эканлигини, у нималарга қодирлигини ўз турмушимиздан, кундалик ҳаётимиздан кўриб-билиб турибмиз. Ўз уйимизни ўзимиз асрашимизга кучимиз етади.

**Эркин ФАЙЗИЕВ,**
**Қарши шаҳридаги Чармгар маҳалла фуқаролар йиғини раиси.**

**Жиззах туманида фаолият юритаётган "Нутқ ўстириш" маркази уюштирган семинарда тинчлик корпуси вакили, америкалик М. Пинелопанинг иштироки тадбирнинг янада қизиқарли ўтишини таъминлади.**

## Тинчлик корпуси вакили

**Тинчлик корпуси вакили марказ фаолияти билан танишар экан, айниқса, Навоий номидаги хўжаликда ташкил этилган "Хотира азизу мукаррам" деб номланган альбом-гулдаста, нутқ одоби ва маданияти борасидаги давра суҳбати, марказ уюштираётган барча тадбирлар унга ғоят манзур бўлганини таъкидлади.**

**— Болаларнинг инглиз тилида бийрон сўзлашлари, қўшиқ ва шеърлари мени лол қолдирди, — дейди М. Пинелопа. — Бу икки мамлакат ўртасида тобора мустаҳкамланиб бораётган ҳамкорликнинг натижасидир.**

**Б. САТТОРОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

Боқий мерос

## ХОРАЗМЛИК БУЮК АЛЛОМА

***Қадимий Хоразм воҳасидан жаҳон илм-фани ва маданияти равнақига улкан ҳисса қўшган кўплаб алломалар етишиб чиққани маълум ҳақиқат. Ана шундай муборак зотлардан бири Маҳмуд Замахшарийдир. Унинг тўлиқ исми-шарифи тарихий манбаларда Абулқосим Маҳмуд ибн Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Хоразмий аз-Замахшарий дея катта эҳтиром билан тилга олинади.***

***Илм-фан осмонида ёрқин юлдуздай ўрин эгаллаган бу аллома 1075 йилнинг 19 мартида (ҳижрий 467 йил 27 ражабда) таваллуд топган. Бутун ислом оламида, айниқса араб мамлакатларида улкан обрў-эътибор қозонган олим шогирдларидан бирига йўллаган мактубида ўзининг ватани ҳақида ифтихор билан «Мен Маҳмуд ибн Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Хоразмийман, кейин аз-Замахшарийман. Хоразмнинг катта бир қишлоғи — Замахшарга мансубман» деб ёзган.***



(Давоми 3-бетда).

Хотира

## Шеъриятга бахшида умр

Халқимизнинг ардоқли шоири Муҳаммад Юсуф ҳаётлигида Элликқалъа туманининг фахрий фуқароси мақомини олган, бу ерда бир неча бор ўтказилган адабий тадбирларга бош-қош бўлган, қорақалпоқ элининг ўз ўғлидай бўлиб қолган эди.

Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 50 йиллигига бағишлаб Элликқалъада ўтган тадбирлар уч қисмдан иборат бўлди. Шоир хотирасига бағишланган кун енгил атлетика — беш чақиримлик югуриш мусобақасидан бошланиб, ўғил ва қиз болалар орасидаги ғолибларга Муҳаммад Юсуф соврини берилди.

Ардоқли ижодкор таваллудининг 50 йиллигига бағишлаб бу ерда ўтказилган хотира кечасини туман ҳокими, Олий Мажлис депутати Н. Худойберганов очди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари, шоир Сирожиддин Саййид, Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси Тўлепберген Қаипбергенов шоир ҳақидаги хотираларини сўзлаб бердилар. Элликқалъалик теле-ижодкорлар тайёрлаган «Шеъриятга бахшида умр» видеолавҳаси намойиш этилди.

Муҳаммад Юсуф номидаги академик лицейда «Муҳаммад Юсуф ўқишлари» ўтказилиб, унда Қорақалпоғистон халқ шоираси, Бердақ номидаги давлат мукофоти соҳиби Гулистон Матёқубова, таниқли хонанда, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Тошпўлат Маткаримов, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган маданият ходимлари Эркин Мадраҳимов, шоир ва ёзувчилар Гулчеҳра Раҳимова, Рустам Мусурмон, Бозорбой Сейтаев, Комил Аваз, Саломат Вафо сўзга чиқдилар.

**Ўз мухбиримиз.**

*Сессиядан кейинги ўйлар*

***Мамлакатимиз парламентининг XIV сессияси Давлат бюджетининг 2003 йилдаги ижросини кўриб чиқди. Депутатлар Ўзбекистон Республикаси молия вазири М. Нурмуродов маърузасини ҳар томонлама муҳокама қилгандан сўнг ҳисоботни маъқуллаб, тегишли қарор қабул қилди.***

***Халқимиз турмуш фаровонлигини яхшилаш йўлида Давлат бюджетининг изчил ижроси ҳаётий аҳамиятга эга. Буни яхши англаган депутатлар сессиядан олдин бюджет якунлари билан танишиб чиқдилар. Зотан, Конституциямизнинг 78-моддасига биноан, Олий Мажлис бюджет ижросини назорат қилиш ваколатига эга.***

## Тараққиёт стратегияси

2003 йил Давлат бюджетининг ижроси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ҳукумати белгилаб берган мамлакатимизнинг ривожланиш стратегияси, ислоҳотларни чуқурлаштириш ва жамиятни эркинлаштириш борасидаги устувор йўналишларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилди.

Макроиқтисодий кўрсаткичларнинг янада мустаҳкамланиши, муттасил иқтисодий ўсиш, валюта бозорининг эркинлашуви ва айирбошлаш курсининг барқарорлашуви, таркибий ўзгаришлар ва хусусийлаштириш жараёнларининг жадаллашуви ўз навбатида давлат молияси кўрсаткичларига ижобий таъсир этиб, солиқ базасининг кенгайишига ва бунинг натижасида барча даражадаги бюджетларнинг даромадлар базасининг кўпайишига, бюджет харажатларининг самарадорлиги ошишига олиб келди.

Натижада 2003 йил Давлат бюджетининг даромадлари 2342,1 млрд. сўм (ёки режага нисбатан 101,1фоиз), харажатлари эса 2376,9 млрд. сўм (ёки режага нисбатан 99,6 фоиз) миқдорида ижро этилди.

Давлат бюджети тақчиллиги 34,8 млрд. сўмни ташкил этиб, ЯИМга нисбатан 0,4 фоиз дан ошмади ва тўлиғича давлат мулкини хусусийлаштиришдан тушган тушумлар (16,8 млрд. сўм) ва бошқа ноинфляцион манбалар ҳисобига қопланди.

Ҳисобот йилида Давлат бюджети даромадларининг шаклланиши, уларнинг манбаларига тўхталиб, шуни қайд этиш лозимки, белгиланган режа кўрсаткичлари Давлат солиқ ва божхона қўмиталари ҳамда барча вилоятлар бўйича бажарилди. Хусусан, Давлат солиқ қўмитаси бўйича тушумлар 1639,6 млрд. сўмни ташкил этиб, белгиланган кўрсаткичлар 101,2 фоизга, Давлат божхона қўмитаси бўйича тушумлар 292,0 млрд. сўмга тенг бўлиб, режа 102,2 фоизга бажарилди.

Корхоналар фойдасига солиқ ва ягона солиқ бўйича бюджет даромадлари бултур 2002 йилдагига нисбатан 1,2 марта ортиб,297,2 млрд. сўмдан зиёд бўлди. Бу рақамлардан кўриниб турибдики, Ҳукуматимизнинг солиқ юкини пасайтириш сиёсати бюджет даромадларининг камайишига эмас, аксинча, даромад базасининг кенгайиши ҳисобига тушумларнинг кўпайишига олиб келмоқда.

(Давоми 2-бетда).

**Муҳтарам муштарийлар!** *«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарига обуна давом этаётганлигини эслатган ҳолда таҳририят Сизнинг манфаатларингизни назарда тутиб янги имтиёзни жорий этди. Иккинчи ярим йиллик обуна нархи 25 фоизга арзонлаштирилди! Обуна бўлишга шошилинг!*

# Тараққиёт стратегияси

(Давоми. Боши 1-бетда).

Жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиққа келсак, 2003 йилда ушбу солиқ тури бўйича тушумлар 288,3 млрд. сўмни ёки жами бюджет даромадларининг 12,3 фоизини ташкил этди. 2002 йилда ушбу кўрсаткич 12,4 фоизни ташкил қилганлигини инобатга оладиган бўлсак, бу ҳолат солиқ ставкаларининг пасайтирилиши ва солиққа тортиш чегараларининг сезиларли даражада кенгайтирилиши туфайли ана шу солиқ тури бўйича даромадлар миқдорига деярли таъсир кўрсатмади.

Ўз навбатида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқ бўйича тушумлар 31,4 млрд. сўмни ташкил этди.

Божхона божлари бўйича бюджет даромадлари 2002 йилдагига нисбатан 1,4 баробар кўпайиб, 41,0 млрд. сўмни ташкил этди. Жисмоний шахслар томонидан тўланадиган ягона божхона тўлови бўйича бюджетга 45,1 млрд. сўм тушди. Бу 2002 йилдаги тушумга нисбатан 1,9 марта кўп, демакдир.

Маҳаллий бюджетлар даромадларининг режа кўрсаткичи 937,9 млрд. сўм бўлгани ҳолда, ҳақиқатда 962,4 млрд. сўмни ташкил этиб, белгиланган режа 102,6 фоизга бажарилди. Аввал айтиб ўтганимиздек, барча ҳудудлар бўйича даромадлар бўйича белгиланган режа кўрсаткичлари уддаланди. Жумладан, тўлиғича маҳаллий бюджетларга тушадиган инфратузилмани ривожлантириш солиғидан 40,7 млрд. сўм, жисмоний шахслар томонидан истеъмол қилинадиган бензин ва бошқа ёқилғи учун солиқ бўйича 38,3 млрд. сўм миқдорида даромад йиғилди.

Иқтисодиётга жами солиқ юкининг реал даражасини кузатсак, бюджет даромадларининг ЯИМ ҳажмига бўлган нисбати 2002 йилдаги 25,0 фоиздан 2003 йилда 24,2 фоизгача пасайди.

Давлат мақсадли жамғармалари даромадлар режаси 104,9 фоизга бажарилиб, тушумлар 816,1 млрд. сўмни ташкил этди. Шундан Пенсия жамғармаси даромадлари 601,6 млрд. сўмга етиб, пенсияларни тўлиқ ва ўз вақтида молиялаштириш таъминланди.

Давлат бюджети харажатлари таркибига тўхталиб, авваламбор, ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатларининг етакчи ўрни янада кучайганлигини алоҳида айтиб ўтиш лозим.

Жумладан, ижтимоий соҳа харажатлари 912,6 млрд. сўмни, ижтимоий ҳимоя ва турмуш фаровонлигини ошириш тадбирлари харажатлари эса 183,2 млрд. сўмдан ошиб, бюджет жами харажатларининг 46,1 фоизини ташкил этди (2002 йилда 45,5 фоиз).

Бунда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни ва умуман, маориф тизимини устувор молиялаштириш Давлат бюджети сиёсатининг бош мезони бўлди.

Келажак инвестицияси ҳисобланган маориф соҳасининг 2003 йилда барча турдаги харажатларига ажратилган маблағ 792,3 млрд. сўмни ёки жами бюджет харажатларининг 33,3 фоизини ташкил этди, шундан 536,4 млрд. сўми ёки қарийб 86,1 фоизи маҳаллий бюджетлардан молиялаштирилди.

Ўз навбатида академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини қуриш ва таъмирлаш учун 169,3 млрд. сўм капитал маблағ йўналтирилиб, 4825 ўқувчига мўлжалланган 6 та академик лицей ва 89039 ўринли 135 та касб-ҳунар коллежи ишга туширилди.

2003 йилда касб-ҳунар коллежлари учун ўқув-лаборатория ва ишлаб чиқариш асбоб-ускуналарини харид қилиш учун 12,3 млрд. сўм, мактаб мебеллари учун 5,0 млрд. сўм, болалар боғчаси мебеллари учун 0,7 млрд. сўм ҳамда умумтаълим мактаблари ва мактабгача болалар муассасаларини капитал таъмирлаш учун 9,8 млрд. сўм ажратилди.

Маориф тизими муассасалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш билан бир қаторда ўқитувчи ва педагогларнинг иш ҳақларини оширишга ҳам эътибор қаратилди. Хусусан, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ва мактаб ҳамда олий ўқув юртлари ўқитувчилари ўртача маошлари 2003 йил давомида 1,2 баравар ошди.

Давлат бюджети харажатларининг яна бир йирик йўналиши бўлган соғлиқни сақлаш соҳасига 2003 йилда 228,7 млрд. сўм ажратилди ва шундан 88,0 фоизи маҳаллий бюджетлардан молиялаштирилди.

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури доирасида «Шошилинч тез тиббий ёрдам» республика марказининг қайта таъмирланишига бюджетдан қўшимча 678,2 млн. сўм маблағ ажратилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 июлдаги 242-сонли қарорига мувофиқ, «Соғлом авлод фонди»га оилада тиббий маданиятни ошириш, аёллар соғлиғини мустаҳкамлаш, соғлом авлодни тарбиялаш бўйича Мақсадли дастурда белгиланган тадбирларни амалга оширишга 513,3 млн. сўм ҳамда Скрининг марказларига реактивлар, шифобахш озиқ-овқатлар ва ўзига хос хусусиятли юқумли касалликларни (TORCH инфекциясини) аниқлаш учун ташхис материаллари сотиб олишга 250,0 млн. сўм йўналтирилди.

Ижтимоий соҳанинг бошқа тармоқларини молиявий таъминлаш ҳам бюджет харажатларида ўз ифодасини топди. Хусусан, Президентимиз ташаббуслари билан қабул қилинган "Қарияларни қадрлаш йили" давлат дастури доирасида уруш ва меҳнат фахрийлари санаторийларини ҳамда "Мурувват" ва "Саховат" уйларини капитал ва қайта таъмирлаш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш харажатлари ҳам тўлиқ молиялаштирилди.

Иқтисодиёт реал секторининг устувор тармоқларини молиявий қўллаб-қувватлаш ҳам 2003 йил Давлат бюджети харажатларида муҳим ўрин эгаллади. Бунда асосий эътибор, аввало, қишлоқ хўжалигига, айниқса, суғориладиган деҳқончиликка қаратилди.

Давлат бюджетидан иқтисодиётга ажратилган жами харажатлар 286,5 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, шундан 186,6 млрд. сўми (65,1фоиз) сув хўжалигининг эксплуатация харажатларига йўналтирилди. Ўз навбатида қишлоқ хўжалиги экинларини зараркунандалардан, чорва молларини касалликлардан ҳимоялашни таъминлаш ва ветеринария хизматларини сақлаш ва дори-дармонлар харид қилиш мақсадларига 2003 йилда 8,7 млрд. сўм ажратилди.

Қишлоқ хўжалигини техника воситалари билан таъминлашни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳам давлат бюджет сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда. 2003 йилда чет элдан кредитлар ҳисобига сотиб олинган техникалар учун тўловларни ўз вақтида таъминлаш ҳамда деҳқонларга кўрсатилаётган техник хизматлар нархини арзонлаштириш учун 26,6 млрд. сўм йўналтирилди.

Шунингдек, қишлоқ хўжалигини техника билан таъминлашни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тадбирлари ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширилишини таъминлаш мақсадларига 6,6 млрд. сўм ажратилди.

Бундан ташқари, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ирригация иншоотларини қайта таъмирлаш ва қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланишни яхшилаш мақсадларига ҳисобот йилида 29,0 млрд. сўм ҳажмида капитал қўйилмалар ажратилди.

2003 йилда бошқарув идораларини молиялаштириш уларнинг вазифаларини мақбуллаштириш, улардаги ходимлар сонини қисқартириш тадбирларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилди. Бу соҳа харажатлари 36,9 млрд. сўмни ташкил этиб, уларнинг бюджет жами харажатларидаги улуши 2002 йилдаги 1,6 фоиздан 2003 йилда 1,5 фоизгача камайди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идораларини молиялаштириш ҳам ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширилиб, уларга ажратилган 12,4 млрд. сўм маблағ тўлиқ ўзлаштирилди.

2003 йилда хорижий давлатлар ва халқаро молия институтларидан жалб қилинган кредитлар бўйича ташқи қарз тўловлари белгиланган кўрсаткичлар доирасида тўлиқ ва ўз вақтида молиялаштирилди.

Хулоса қилиб айтганда, 2003 йил Давлат бюджети ҳам даромадлар, ҳам харажатлар бўйича муваффақиятли ижро этилди. Даромадлар ва харажатлар таркибида ижобий ўзгаришлар рўй берди. Харажатларнинг ижтимоий йўналганлиги янада кучайди, маҳаллий бюджетлар роли мустаҳкамланиб, харажатлар самарадорлиги ошди ва давлат молиясини бошқариш сезиларли равишда такомиллаштирилди.

**Шуҳрат ЖАББОРОВ.**

# ХАТЛАР сўзлайди

Газетхон:

### миннатдорчилик билдиради

## Қарздан фориғ бўлдик

Журналистлик касби игна билан қудуқ қазишдек машаққатли эканлигини яхши тушунамиз. Газетадаги чиқишлар одамларга наф берса, бу аввало, ҳақиқатни ёзган газетанинг, қолаверса, ушбу мавзуни кўтариб чиққан журналистнинг обрўси.

Шу маънода "Халқ сўзи" газетасининг ўтган йилги сонларидан бирида эълон қилинган "Бир чалкашлик асорати" мақоласидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди кассация судлов ҳайъати ўзининг бу йилги қарори билан Наманган вилояти хўжалик судининг жавобгар — Наманган шаҳар озиқ-овқат савдоси ишлаб чиқариш жамоа корхонасининг даъвогар — Наманган майда улгуржи таъминот савдо масъулияти чекланган жамияти фойдасига 17752200 сўмлик даъвосини тасдиқлаб чиқарган ўтган йилги ажримини қисман бекор қилиб, жамоа корхонасини асоссиз ва ноқонуний қарздан фориғ қилди. Бунинг учун газета таҳририятидан миннатдормиз.

**Р.ОТАХОНОВ,**
**Наманган шаҳар озиқ-овқат моллари савдоси ишлаб чиқариш жамоа корхонаси раиси.**

### ...ёрдам сўрайди

## Бепарволик оқибати

Бир неча йилдирки, хўжалигимизнинг юқори қисми — Ш.Рашидов, Навоий, Жомий номли ва яна бир қатор кўчалардаги хонадонлар, мактаб, болалар боғчаси баҳор келиши ҳамоно деярли сув ичида қолади. Дренаж ва коллекторлар ишламаслиги оқибатида юзага келган бу ҳолатни хўжалик ва туман раҳбарлари кўриб кўрмасликка олишмоқда. Улар парво қилмагач, сизлардан ёрдам сўрашга мажбур бўлдик.

**М.БОБОЕВ ва бошқалар.**
**Дўстлик тумани.**

### ...танқид қилади

## Кредит беришмади

Миллий банкнинг Фарғона бўлимидан кредит олмоқчи бўлиб, юз миллион сўмга бизнес режа тайёрлагандим. Банк бунча қийматдаги кредитни беролмаслигини айтгач, ярмини олишга рози бўлдим. Шундан сўнг банк бошқарувчиси асосий меҳнат воситаларини кафилликка тўғри келиши ёки келмаслигини текшириш учун ходимлар юборди. Ачинарлиси, улар бизнинг соҳада мутахассисмасда. Бир кунда салкам уч миллион сўмлик тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи асбоб-ускуналарни кафолат учун яроқли эмас деб топишди. Ваҳоланки, мен янги иш ўринлари яратиб, ички бозорни ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан таъминлашга ҳисса қўшмоқчи эдим. Бироқ...

**Х.ҚАЛАНДАРОВ.**
**Фарғона шаҳри.**

### ...афсусланади

## Шартномага хилоф иш

Бундан икки йил аввал туман ҳокимининг қарори билан 10 гектар ерни ижарага олгандим. Илгари қаровсиз бўлган бу ерларни мен ўз маблағим ҳисобига ўзлаштириб, фермер хўжалиги ташкил этдим. Иш режасини вақтида бажаряпман. Ҳайратланарли ери шундаки, шартномага зид равишда менга тегишли бу ерни томорқа сифатида фойдаланишга бошқаларга беришмоқчи. Шунча вақт тер тўкиб қилган меҳнатим бир зумда бекор бўлсая?

**Нурмурод САФАРОВ.**
**Косон тумани.**

# Капитал қурилишда лизинг

***ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Лазиз РАҲМАТОВ).***

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 23 октябрдаги "Капитал қурилишда ижара ва лизинг хизматлари тизимини жорий этиш тўғрисида"ги қарори қурилиш соҳасида замонавий бозор инфратузилмасини яратишда муҳим омил бўлмоқда.

"Қурилиш лизинг" очиқ турдаги акциядорлик жамияти ушбу қарор асосида ташкил этилган ихтисослашган лизинг муассасасидир. Айни пайтда компания ўз маблағлари, маҳаллий ва хорижий тижорат банкларининг кредитлари ҳисобидан қурилиш соҳасида кенг қўлланиладиган техника, эҳтиёт қисмлар, кичик механизация ва махсус транспорт воситаларини етказиб беряпти.

— Ҳозиргача мижозлар билан 65 турдаги машина-техника ва салкам 200 хилдаги эҳтиёт қисм етказиб бериш юзасидан қарийб олти юз минг АҚШ долларига тенг шартномалар имзоланди, — деди мазкур компания бошқаруви раиси Шоҳруҳ Рустамов ЎзА мухбирига. — Йирик ҳажмдаги юк ташишга мўлжалланган турли русумдаги машина, экскаватор, бульдозер, трактор ва кўтарма кранларга талаб, айниқса, катта.



***Сулаймонқул Йўлдошев чўлни бўстонга айлантиришга бел боғлаган юртдошларимиздан бири. Сирдарё вилоятининг Ховос туманидаги "Сайхун" фермер хўжалиги раҳбари. Тасаррруфида 200 гектар ери, бир неча чопиқ, ҳайдов ва транспорт тракторлари, комбайнлари бор. Бугунги кунда Сулаймонқулнинг 90 гектар еридаги ғалла аллақачон ҳосилга кирган бўлса, 100 гектардаги ғўзаси ҳам бир текис ривожланмоқда. Мевазор боғи эса ҳар қандай кишининг кўзини қувонтириши табиий.***

***— Мақсадимиз улкан, — дейди фермер С. Йўлдошев. — Ғалладан 35, пахтадан 30 центнердан ҳосил кўтармоқчимиз.***

**СУРАТДА: Сулаймонқул Йўлдошев ўғли Улуғбек билан.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

### Суд-ҳуқуқ ислоҳоти — амалда

***Юртбошимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Давлат ва жамият қурилиши, суд-ҳуқуқ тизимининг қонунчилик асосларини ислоҳ қилиш бўйича кенгаш тузиш тўғрисида»ги 2004 йил 13 мартдаги Фармойиши ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти сари интилаётганимизнинг ёрқин ифодасидир.***

# Янада шароит яратилса ...

Ҳуқуқий демократик давлатда суд тизими, шубҳасиз ўзининг муҳим ўрнига эга. Шу боис мамлакатимизда бу тизимни ислоҳ қилишга жиддий эътибор берилмоқда. Президентимиз таъбири билан айтадиган бўлсак, «Фақат шундай қилганда ҳозир судни жазоловчи орган деб биладиган одам унга ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини, манфаатларини ҳимоя қилиш лозим бўлган орган сифатида мурожаат қиладиган бўлади. Ана шундагина суд ҳокимияти ҳақиқий мустақил учинчи тармоққа айланади».

Республикамизда бу йўналишда амалга оширилган амалий ишлар қаторида судларнинг ихтисослаштирилганлигини ҳам қайд этиш лозим. Президентимизнинг 2000 йил 14 августдаги Фармонига мувофиқ фуқаролик ишлари бўйича суд алоҳида суд тизими сифатида ташкил этилди. Бу ўзгариш 2001 йил декабрида Олий Мажлис томонидан қабул қилинган «Судлар тўғрисида»ги Қонун (янги таҳрири)га киритилди. 2001 йилнинг 1 январидан бошлаб мамлакатимизда Фуқаролик ишлари бўйича ва Жиноят ишлари бўйича алоҳида судлар ўз фаолиятини бошлади.

Бу ўзгариш, табиийки, фуқаролар мурожаатларига ўз вақтида жавоб бериш, уларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқларини қўллаб-қувватлашни янада яхшилашга хизмат қилади.

Маълумки, қонун устуворлиги таъминланган жамиятда ҳар қандай низо судда ҳал қилинади. Бизда ҳам фуқаролар кенг қамровли, ихтисослашган судларга мурожаат қилиш имконига эга бўлди. Ушбу судга фуқаролик, оила, меҳнат ва бошқа соҳаларга тегишли қонунчилик бузилган ҳолларда мурожаат қилиш мумкин. Ишга тиклаш, иш ҳақини ундириш, алимент ундириш, болага оталикни белгилаш, никоҳни бекор қилиш, мол-мулкни ҳамда меросни тақсимлаш каби ҳолатлар Фуқаролик ишлари бўйича судда кўриб чиқилади. Унга, шунингдек, мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари бўйича, сайловларнинг ҳақиқийлигини аниқлаш мақсадида, етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш ҳамда муаллифлик ҳуқуқини тиклаш юзасидан мурожаат қилиш мумкин.

«Судлар тўғрисида»ги Қонун ижроси бўйича Самарқанд вилоятида ҳам муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан, Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судлар ташкил этилди. Яъни, 16 та туман ва шаҳарга 5 та туманлараро суд хизмат кўрсатмоқда. Бизнингча, бу ўринда бир муҳим масала инобатга олинмаган. Анча катта ҳудудни қамраб олган бир нечта туман учун битта фуқаролик ишлари бўйича суднинг мавжудлиги аҳолига ноқулайлик туғдирмоқда. Мана, ўзингиз ўйлаб кўринг. Масалан, алимент ундириш учун даъвогар Пахтачи туманидан 80-100 чақирим йўл босиб, Каттақўрғонга келиши керак. Ёки Ургутнинг узоқ тоғли қишлоғидан Тойлоққа, Қўшработдан Иштихонга келиб кетишнинг ўзи бўладими? Кўп ҳолларда бир марта келиб кетиш билан иш битмайди. Демак, фуқаро анчагина вақт йўқотишга ва маблағ сарфлашга мажбур. Аниқлашимизча, ҳозирги вақтда фуқаролик ишларини кўрувчи судьялар жадвал бўйича биркитилган туманларга бориб жиноят ишларини кўрувчи судлар биносида фуқароларни қабул қилишмоқда. Сабаби, бу шикоятларни суд мажлисида кўриш учун шароит яратилмаган, алоҳида бино ажратилмаган. Бу билан мавжуд муаммони ҳал қилиб бўлмаслиги турган гап. Соҳа мутасаддию мутахассислари судлар ихтисослаштирилганидан сўнг ўтган деярли уч йиллик тажрибани пухта ўрганиб, вилоятнинг қайси туманида алоҳида Фуқаролик ишлари бўйича суд ташкил этиш, қайсиларида ҳозирги тартибни сақлаб қолиш мақсадга мувофиқлиги масаласини ҳал этишлари зарур.

Албатта, янги бошланган ишда номувофиқликлар бўлиши мумкин. Энг асосийси, бу вақтида аниқланиб, тузатилса, бўлгани. Зеро, бу судларни фақат туманлараро эмас, балки битта туман ёки шаҳар доирасида ҳам ташкил этиш мумкин-ку?!

Ўйлаймизки, биз юқорида таъкидлаган фармойиш суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилаётган ислоҳотнинг янги босқичини бошлаб берди. Демак, ушбу тизимга оид муаммолар ҳам ўз ечимини топади.

**Азиз ЮНУСОВ,**
**юрист.**

### Яхшидир аччиқ ҳақиқат

# «Оқ ҳарир»даги қора доғлар

**ёки Фарғона вилоятида пиллачиликдаги аввалги шуҳрат тикланадими?**

Қадимий Қуббо, Сирбўйи соҳилларидан топилган осори-атиқалар, ноёб буюмлар, ашёлар ичида камалакдай товланиб, жилоланиб турган шойи-атласлар Фарғона водийси ипакчилигининг тарихи олис минг йилликларга бориб тақалишидан далолат беради. Зеро, водий деҳқончилиги, боғдорчилиги қанча қадимий бўлса, пиллачилик ҳам шу қадар кўҳна ва тарихийдир.

Водийда тайёрланган матолар орасида шойи, ипак, атласу адраснинг ўзига хос ўрни, кўрки-малоҳати бор. Келинлар сепининг камида ярмини ипак матолар ташкил қилмаса, «юзочди»га чиқишдан уялишган. Ипак, атлас шоҳи бу замин кишилари тақдирида нафақат оддийгина мато, балки турмуш тарзининг бир қисмига айланиб қолганлигини пиллани ардоқлаб, «тилламиз», «оқ ҳарир», «кумуш тола» деб аташганидан ҳам билиш мумкин.

Бундан ўн-ўн беш йил бурун, «самовий мато» фақат сепларнинг кўрки, аёлларни товусдай товлантирган матогина бўлиб қолмай, балки оилалар, хўжаликларнинг мўмайгина даромад манбаи ҳам эди. Ўша йилларда фарғоналик заршунослар ҳиссасига мамлакатимизда етиштирилаётган пилланинг деярли учдан бир қисми тўғри келган бўлса, 15 минг тоннага яқин пилла Марғилон ва Фарғона шаҳарларидаги қайта ишлаш корхоналарида мўъжизавий ипакларга айлантирилиб, ундан ўзбек қизларининг жаҳонаро рамзига айланиб қолган атлас, шоҳи бекасамлар тўқилган.

Ҳозир-чи? Корхоналар ўртасидаги азалий алоқалар узилгач, соҳада депсиниш, орқага чекиниш ҳолатлари рўй бера бошлади. Соҳанинг оқсаши мамлакатимизнинг бошқа вилоятларида сезиларли из қолдирган бўлса, Фарғона пиллакорлари эса йилдан-йилга нафақат шуҳратларини бой бердилар, балки тобора инқироз ботқоғига чўкиб боришмоқда. Фикримизни далиллашга ҳаракат қиламиз. Агар ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллар бошларида вилоят бўйича ўртача олти минг беш юз тонна пилла тайёрланган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 1600 тоннага тушиб қолди. Бу мамлакатимиз бўйича тайёрланаётган пилланинг ўндан бир қисмини (эътибор беринг, аввал 3/1 қисми етиштирилган) ҳам ташкил этмайди. Ҳар қути уруғдан олинадиган ҳосил эса деярли икки баробар камайиб кетди.

Шу ўринда савол туғилади: нима, фарғоналиклар пилла етиштириш, парваришлаш борасидаги ота-боболари анъаналари, удумлари, тажрибаларини унутиб юборишганми? Нафақат юртимизга, балки Марказий Осиёга пиллачилик илмидан сабоқ берган, соҳани юксак чўққиларга олиб чиққан машҳур заршунослар, ҳар қути қурт уруғидан 100-120-150 килограммдан ҳосил йиғиштириб олган Олияхон Султонова, Тўтихон Худойназарова, Саодат Тоштемирова, Ҳалимахон Ҳолматоваларнинг ворислари, набиралари қаерда қолди? Наҳотки, уларни ота-оналари, боболари ардоқлаган, эъзозлаган соҳанинг ачинарли аҳволи ташвишлантирмайди?

Юртбошимиз Вазирлар Маҳкамасининг йил якунларига бағишланган йиғилишида алоҳида таъкидлаганларидек, «мулкни ҳақиқий эгасига топшириш масаласига масъулият билан юзаки ёндашиш ҳолатларига амалда ҳамон барҳам берилмаётганлиги, бу борада эскирган қарашлар ҳали-ҳануз сақланиб қолаётганлиги» тармоқдаги ишларнинг издан чиқишига, сабаб бўлмоқда.

Бундан роса бир йил аввал Вазирлар Маҳкамасининг «Хусусийлаштирилган корхоналарни корпоратив бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори эълон қилинганлигига қарамай, акционерлик жамияти устав фондини қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларга етказиш ёки уларни бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклларга айлантириш бўйича жиддийроқ шуғулланилмади.

Аксинча, вилоят «Пилла» акционерлик бирлашмасининг собиқ раҳбарлари туман пиллачилик корхоналаридан хомашёни ишонч қоғози билан олиб келиб, номаълум кимсаларга нақд пулга сотиб, пиллакорлар ҳақини ҳамёнга уриб, бойваччалик қилиб юраверишди. Ҳозир бу бирлашманинг тизимдаги корхоналар, хўжаликлардан қарзи 500 миллион, яъни ярим миллиард сўмдан ортиб кетган. Бу маблағнинг 314 миллион сўми ҳисоботларда бирлашманинг йўқ омборларида сақланаётган, аслида эса аллақачон хуфиёна йўллар билан сотилиб кетган хомашё — пилланинг пули ҳисобланади.

Маълумки, ҳар йили мавсум бошланиши арафасида пиллакорларга бўнак пули тарқатилар, бу маблағга пиллакорлар ўзларига асқотадиган нарсалар, ёқилғи сотиб оларди. Энди эса тижорат банклари кредит беришга ҳам ўйланиб қолишяпти. Бундан икки йил аввал бирлашма Миллий банкнинг вилоят бўлимидан 197 миллион сўм кредит олган эди. Бу маблағ пиллани асосан экспортга сотишдан тушадиган сармоя ҳисобига узилиши лозим эди. Ўша йили пилла касод бўлди. Маҳсулот арзонгаровга, бунинг устига, тайинсиз кимсаларга сотиб юборилди. Қарзнинг ўрни қопланмади. Мана, энди шу қарз фоизлар ҳисобига йилма-йил ўсиб, 314 миллион сўмга етди. Ўша йили «Пахтабанк»дан олинган 62 миллион сўм кредит ҳам бирлашма гарданида турибди. Бу қарзларга кафилликни олган «Ўзбек ипаги» уюшмаси раҳбарларининг ҳам ундан қандай қутилиш йўлини билмай, боши гаранг.

Шундай бўлса-да, ҳукумат масъулиятни зиммага олиб, пиллакорлар манфаатини кўзлаб бирлашмага яна кредит ажратди. Асосий гап эса шу маблағдан оқилона расамади билан фойдаланишда.

Бирлашманинг янги раҳбарлари ҳам тармоқдаги аҳволни ўнглаш учун астойдил киришди. Қисқа вақт ичида 14 та туман «Пилла» бирлашмаларининг мулк шакли ўзгартирилиб, масъулияти чекланган жамиятларга айлантирилди. Лекин вилоят бирлашмасининг тақдири ҳамон муаллақлигича қолмоқда. Аммо бир нарса аниқ: вилоят бирлашмаси қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклга ўтказилмасин, гарданидаги қарзларга ворис сифатида «эгадор» бўлиб қолаверади.

Ҳозир пиллакорлар учун ғоят долзарб, масъулиятли давр — пилла қурти парвариши бошланди. Илгарилари қурт уруғини тарқатишда уни кўпроқ олиш илинжидаги талабгорларнинг кўплигидан муаммо туғиларди. Ҳозир эса ходимлар жонлантирилган уруғни уймауй, хонадонма-хонадон юриб, илтимос билан тарқатишаяпти. Чунки қурт боқувчиларда истак билан бирга ишонч ҳам сўниб борган. Шу ишонч тикланса, Фарғона пиллачилигининг шуҳрати ҳам тикланиши, шубҳасиз!

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Хоразмлик буюк аллома



(Давоми. Боши 1-бетда).

Замахшарийнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида Ибн Халликон, Ибн Анбарий, Ёқут Ҳамавий, Муҳаммад Йофиъий, Жалолиддин Суютий ва бошқа кўплаб тарихчилар ўз асарларида маълумотлар келтирганлар, таржимаи ҳолига доир айрим маълумотлар олимнинг ўз асарларида ҳам учрайди. Барча манбалар унинг ўқимишли оилада тарбиялангани, болалигидан илмга берилгани, ҳавас қиладиган хулқ-атвор, ширинсухан ва ғоят меҳр-мурувватли киши сифатида вояга етиб, эл-юрт орасида катта обрўга эга бўлганидан далолат беради.

У дастлабки билимини отасидан, она юрти Хоразмнинг етук олимларидан олган. Сўнг илм-маърифатга чанқоқлик уни ўша даврнинг энг йирик илмий ва маданий марказларидан бири бўлган Бухорои шарифга етаклаган. Тарих китобларида ёзилишича, йўлда отдан йиқилиб, оёғи қаттиқ шикастланади. Бунинг устига, қаҳратон совуқ бўлгани сабабли, жароҳати зўрайиб, бир оёғини кестиришга мажбур бўлади ва бир умр ёғоч оёқда юришига тўғри келади. Лекин Бу Замахшарийнинг илм излашдаги қатъиятига путур етказмайди — араб тили ва адабиётини, диний илмлар мажмуасини чуқур эгаллайди, ҳаттотлик санъати сирларини мукаммал ўзлаштиради.

Жисмоний ногиронлигига қарамай умрининг катта қисмини илм иштиёқида сафарларда ўтказгани айниқса ҳайратланарли. Унинг Хуросон, Ироқ, Шом (ҳозирги Сурия), икки марта Ҳижозга (Арабистоннинг пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом фаолияти билан боғлиқ вилоятига) сафар қилгани манбаларда қайд этилган. Сафарлар давомида ўша даврнинг кўплаб машҳур олимлари билан учрашган, илмий, ижодий суҳбат ва мунозараларда иштирок этиб, ўз илмий салоҳияти билан алоҳида ҳурмат-эътиборга сазовор бўлган.

Алломанинг Шарқдаги турли шаҳарларда сон-саноқсиз шогирдлари бўлган, ўша даврнинг барча йирик илм марказларида унинг номи эҳтиром билан тилга олинган. Бу ўринда олимнинг муқаддас шаҳар Маккаи мукаррамада беш йилдан ортиқ яшаган даври ҳақида алоҳида тўхтаб ўтиш лозим. Бу шаҳар мусулмон оламининг барча бурчакларидан зиёратчилар келадиган муқаддас саждагоҳ бўлиши билан бир пайтда, катта илмий марказ ҳам эди. Ана шундай илмий-маърифий давраларда ҳамюртимиз Маҳмуд Замахшарий олим сифатида улуғ мақомга эришган: унга «Жоруллоҳ» (арабчадан таржимада «Аллоҳнинг қўшниси») деган фахрий унвон берилган. Тарихда бошқа бирон-бир олим бундай шарафга муяссар бўлгани маълум эмас. Айни пайтда уни «Фахри Хоразм» дея атаганлар. Таниқли араб олими аш-Шайх Муҳаммад Абу Заҳро Қувайтда чоп этиладиган «ал-Арабий» номли нуфузли журналнинг 1961 йил декабрь ойи сонидаги Маҳмуд аз-Замахшарийнинг ҳаёти ва илмий-маънавий меросига бағишланган ажойиб мақоласида шундай гувоҳлик беради: «Маккада яшаган даврида Замахшарий аксар вақтини Байтуллоҳда ўтказар, ҳар доим адаб илмининг толиблари, шеърият ихлосмандлари, мавъизаю ҳикматли иборалар шайдолари қуршовида бўлар, у билан ҳамсуҳбат бўлиш, ундан сабоқ олишни истаганларнинг саноғи йўқ эди».

Замахшарий устоз сифатида Машриқдан Мағрибгача танилди. Унга бевосита шогирд бўлган олимлар Хоразмда, Самарқанд ва Бухорода, Табаристон ва Бағдодда, Дамашқ ва Ҳалабда фаолият кўрсатар, ўзини ғойибан Замахшарийнинг шогирдиман, дейдиганларни эса мусулмон дунёсининг барча мамлакатларида учратиш мумкин эди.

Замахшарий араб тилини мукаммал даражада эгаллаб, бу соҳага оид фанларни ниҳоятда чуқур билган. Айтиш мумкинки, у араб тилининг барча лаҳжаларини қиёсан тадқиқ қилган биринчи олимдир. Айни пайтда фақат тилшунослик билан чекланмай, арабларнинг ҳаёти ва урф-одатларини ҳам кузатган, кузатув натижаларидан тилшуносликка оид асарларида унумли фойдаланган. Шунинг учун унинг қаламига мансуб, араб тилининг грамматикаси, лексикасига доир «Муқаддамат ул-адаб», «Ал-Муфассал», «Асос ул-балоғат» каби асарлари катта шуҳрат қозонди. Бугунги кунда алломанинг асарлари ўрта асрларга хос араб тилини, айниқса, Қуръони карим тилини ўрганишда бебаҳо ва беқиёс манба деб эътироф этилади. Унинг бу соҳадаги буюк хизматларини тан олиб, араб олимлари: «Агар хоразмлик мана шу ёғоч оёқли аз-Замахшарий бўлмаганида, араблар ўз тилларини билмас эди», — деганлар.

Макка аҳли, хусусан, унинг амири ибн Ваҳҳос ал-Ҳусайний Маҳмуд Замахшарийга алоҳида иззат-ҳурмат кўрсатган. Амирнинг буйруғи билан унинг унвонини эътиборга олиб, Каъбатуллоҳнинг яқинида олим учун уй қуриб берилади.

Президентимиз Ислом Каримов бундан етти йил муқаддам, 1997 йили Хива шаҳрининг 2500 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантаналарда Ибн Ваҳҳоснинг «Дунёдаги барча қишлоқлар жам бўлиб Хоразмнинг биргина Замахшар қишлоғига фидо бўлса арзийди. Чунки бу қишлоқ минг йилларда бир марта туғилиши мумкин бўлган Замахшарийдек буюк алломани дунёга келтирган» деган самимий ва юксак эътирофини ифтихор билан эслаб ўтган эди.

Замахшарий она ватани Хоразмни жуда қаттиқ севган, умрининг аксар қисмини хорижий юртларда ўтказиб, у ерларда улуғ марталабаларга эришган бўлса-да, ҳар доим ўз юртини, хеш-ақрабо ва ёр-дўстларини қўмсаб яшаган. Хоразм диёрига бағишлаб меҳр-муҳаббат ҳиссиётлари билан тўлиқ қасида ва мадҳиялар ёзган. Мадҳияларидан бирида «Хоразм заминида шунчалик кўп неъмат ва фазилат мавжудки, дунёнинг бошқа бирор мамлакатида буларга ўхшашини асло кўрмадим», дея она юртини таърифлайди.

Шунинг учун ҳам аллома Маккада икки йил яшагандан кейин Ватанига қайтади. Бу ерда бир неча йил истиқомат қилгач, тиниб-тинчимас табиати уни яна ҳаж сафарига отлантиради. Буюк муҳаддис Маккадаги илм аҳли илтимоси билан ерда уч йил қолиб кетади. 1139 йилда Бағдодга келади. Ўша даврда илм-фан ва маданиятнинг маркази бўлган бу шаҳарда кўплаб олимлар билан мулоқотда бўлади, илмнинг турли соҳалари бўйича баҳс ва мунозараларда ўз илмий заковатини намойиш этиб, обрўсига яна обрў қўшилади. Лекин Бағдод ҳам ўз ватанининг ўрнини босолмас эди — Замахшарий Имом Бухорий тутган йўлни танлаб, ўз илмини авлодларга етказиш ниятида яна туғилиб ўсган юрти Хоразмга қайтади.

Хоразмнинг ўша даврдаги пойтахти Журжонда (ҳозирги Кўҳна Урганч яқинида) яшай бошлайди. Жоруллоҳ Маҳмуд Замахшарий 1144 йили Рамазон ҳайити арафаси кечаси вафот этади ва шу шаҳарда дафн этилади. Орадан деярли икки юз йилдан кейин — 1333 йили Хоразмни зиёрат қилган машҳур араб сайёҳи Ибн Баттута «Ар-Риҳла» («Саёҳатнома») номли асарида шаҳар ташқарисида Замахшарийнинг мақбарасини зиёрат қилганини ёзган.

* * *

Буюк мутафаккир бизга бой ва улкан илмий-маънавий мерос қолдирган. У тилшунослик, луғатшунослик, адабиёт, аруз, одоб-ахлоқ, мантиқ ва жуғрофия, тафсир ва ҳадис, фиқҳ ва қироат илмига оид олтмишга яқин асар яратган бўлиб, уларнинг аксарияти бизгача етиб келган. Ижодининг кенг кўламлилиги ва илм-фан оламида тутган юксак мақоми аллома замондошлари кейинги асрларда яшаган тадқиқотчилар айтган фикр-мулоҳазаларда ҳам ўз аксини топган. Масалан, машҳур араб тарихчиси Ибн ал-Қифтий: «Аллоҳ раҳмат қилгур Замахшарий илм ул-адаб, наҳв-сарф ва луғатшунослик бобида бошқаларга мисол бўладиган бенавир аллома эди. У ўз ҳаёти давомида кўплаб буюк олимлар ва фозиллар билан мулоқотда бўлган, тафсир, ҳадис, наҳв-сарф ва бошқа соҳалар бўйича талай асарлар битган. У ўз даврида араб тилида ижод қилган ажамлилар (араб бўлмаганлар — У.У.) орасида энг буюгидир», деса яна бир атоқли олим Ибн Халликон: «Замахшарий ҳазратлари тафсир, ҳадис, наҳв-сарф, луғат ва илм ул-баён бўйича буюк алломадир. Ҳеч бир муболағасиз мазкур илмларда у ўз даврининг ягонаси, кўпдан-кўп ажойиб асарларнинг муаллифи эди», дея унга юксак баҳо беради. Замахшарийдан бир неча аср кейин яшаган тарихчи Ибн Тағриберди: «Шайх, буюк аллома, ўз даврининг ягонаси, ўз асрининг пешвоси ва имоми бўлган», деб қайд қилган.



Тилшунослик ва грамматиканинг турли масалаларига оид асарлар Замахшарий ижодида салмоқли ўрин эгаллайди. Жумладан, араб тили грамматикасига оид «Ал-Муфассал фин-наҳв» асари (қисқача «Ал-Муфассал» деб аталади) араб тили грамматикасини ўрганишда Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам асосий қўлланма бўлган ва ҳозир ҳам ғоятда қадрланади. Ҳатто Шом (Сурия) ҳокими Музаффариддин Мусо (1229-1237) Замахшарийнинг бу асарини ёд олган кишига беш минг кумуш танга пул ва бош-оёқ сарупо совға беришини эълон қилган. Асарни ёд олган бир қанча киши ҳақиқатан ҳам мукофотга сазовор бўлгани манбаларда қайд этилган. Бу асарнинг бир неча қўлёзма нусхаси ЎзРФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида сақланмоқда.

Замахшарийнинг Хоразмшоҳ Алоуддавла Отсизга (1127-1156) бағишланган «Муқаддамат ул-адаб» асари ҳам машҳур. Бу асарнинг фандаги аҳамияти шундан ҳам кўринадики, у XVIII асрдаёқ турк, француз ва немис тилларига таржима қилинган, Париж, Лейпциг, Вена, Лейден, Қозон, Норвегия, Миср ва Ҳиндистонда бир неча мартадан чоп этилган. Асар тилимиз тарихини ўрганишда муҳим манба ҳисобланади. Шу боисдан ҳам Садриддин Айний «Замахшарийнинг «Муқаддамат ул-адаб» асари ўзбек тили тарихини ўрганиш учун бутун дунёнинг хазинаси билан баробардир», деб ёзган эди.

Шунингдек, «Асос ул-балоғат» («Балоғат асослари») номли қимматли асари ҳам араб мамлакатларида қайта-қайта нашр этиб келинмоқда. Унинг машҳур китобларидан яна бири — «Атвоқ уз-заҳаб фил-мавоъиз вал-хутаб» («Ваъзлар ва хутбалар баёнида олтин шодалар») XIX асрда немис ва француз тилларига таржима қилинган.

«Рабийъ ул-аброр ва нусус ул-ахёр» («Фозиллар баҳори ва яхшилар изҳори») асарида адабиёт, тарих ва бошқа фанларга оид энг сара ҳикоятлар, латифалар ва суҳбатлар жамланган. 97 бобдан иборат бу асарнинг нодир қўлёзма нусхаси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланмоқда. Уни Лейден, Берлин кутубхоналаридаги нусхалари билан қиёслаб, илмий-танқидий матни нашр этилса, олим таваллудининг келгуси йили нишонланадиган 930 йиллигига муносиб туҳфа бўлар эди.

Маҳмуд Замахшарий номини машҳур этган яна бир асари «Ал-Кашшоф» номли Қуръони карим тафсиридир. У 1132-1134 йиллари Маккада таълиф қилинган. У Қуръони карим матнининг филологик нуқтаи назардан таҳлилига катта эътибор берилгани билан бошқа тафсирлардан ажралиб туради. Бу асарнинг қўлёзма нусхалари дунёнинг деярли барча йирик кутубхоналарида мавжуд.

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳадисларига бағишланган асарини олим «Ал-Фоиқ фи ғариб ал-ҳадис» («Ғариб ҳадислар ҳақида ажойиб асар») деб атаган. Тарихчи Ибн Ҳажар ал-Асқалоний бу китобга «ғоятда ихчам бўлгани билан мазмунан кенг қамровлилиги ва нақлларининг тўғрилиги билан ажралиб турадиган муҳим асардир», дея баҳо берган. Асар Ҳайдаробод, Бағдод, Қоҳира ва бошқа шаҳарларда нашр этилган.

Қомусий билимлар соҳиби бўлган аллома жўғрофияга ҳам оид асар яратган. «Китоб ал-жибол вал-амкина вал-мийоҳ» («Тоғлар, жойлар ва сувлар ҳақида китоб») номли бу рисолани олим аниқ ва муфассал маълумотлар, ўз шахсий кузатувларига таяниб ёзгани учун, у алоҳида илмий қимматга эга. Ундаги маълумотлардан, хусусан, ўрта асрларнинг энг йирик географларидан бўлган Ёқут Ҳамавий ўзининг машҳур «Муъжам ал-булдон» («Мамлакатлар қомуси») номли асарини яратишда унумли фойдаланган.

* * *

Юқорида айтилган фикрлардан яққол кўриниб турибдики, кўҳна Хоразм заминида таваллуд топган буюк аллома Маҳмуд Замахшарий ҳазратлари биз авлодларга беқиёс ва бой илмий-маънавий мерос қолдирган. Бутун умрини илм-фанга бахшида этган олимнинг ҳаётий жасорати ҳар қандай кишини ҳайратга солади. Ўлкамиздан етишиб чиққан, нафақат мусулмон мамлакатлари, балки бутун дунёга танилган Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Имом Бухорий, Имом Термизий, Ҳаким Термизий, Имом Мотуридий, Абул Муъин Насафий, Абу Наср Форобий, Абу Али Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний каби алломалар қаторида Маҳмуд Замахшарий ҳам авлодлар учун ибрат намунаси бўлиб қолади. «Жоруллоҳ», «Фахру Хоразм», «Устоз уддунйа» («Бутун дунёнинг устози»), «Устоз ул-араб вал-ажам» («Араблару ажамликларнинг устози») каби ўта юксак унвонларга мушарраф бўлган буюк юртдошимиз билан ҳар қанча фахрланишга ҳақлимиз.

Ўрни келганда айтиш керакки, мустақиллик йилларида Замахшарийнинг ҳаёт йўли ва бетакрор илмий меросини ўрганиш соҳасида анча-мунча ишлар амалга оширилди. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ 1995 йилда Замахшарий ҳазратларининг 920 йиллик таваллуд тўйининг мамлакатимизда кенг нишонланиши бу ишларга муҳим туртки берди. Шу билан бирга ҳали бу соҳада бажарилиши лозим вазифаларимиз ҳам оз эмас. Хусусан, Замахшарийнинг илмий-маънавий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиб, кенг жамоатчиликка етказиш, ўзбек тилига таржима қилиб нашр этиш олдимизда турган шарафли ва хайрли ишлар сирасига киради. 2005 йилнинг март ойида буюк ватандошимиз Маҳмуд Замахшарий ҳазратлари таваллудининг 930 йиллигини муносиб нишонлаб, буюк бобокалонимизнинг табаррук руҳларини шод этиш ҳаммамиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

**Убайдулла УВАТОВ,**
**Тошкент Ислом университети Исломшунослик илмий тадқиқот марказининг бош илмий ходими,**
**тарих фанлари доктори.**


## Fulbright Program Scholarship For 2005-2006 Academic Year

The Embassy of the United States of America is pleased to announce the competition for Fulbright Scholarships for the 2005-2006 academic year.

The goal of this program is to "increase mutual understanding between the people of the United States and the people of other countries, and thus assist in the development of friendly, sympathetic, and peaceful relations between the United States and other countries of the world".

For over 50 years the Fulbright Scholarship program has offered grants to college and university faculty, as well as to independent scholars around the globe, to allow them to lecture and conduct research in the United States. At the same time, the program, since its inception in 1946, has permitted thousands of American scholars to teach and conduct research throughout the world.

The Fulbright Scholar Program is open to college and university professors and professionals who wish to conduct research in the U.S. for periods between four to twelve months during the 2005-2006 academic year. Academic fields are as follows:

- Justice
- Education
- The teaching of English
- Library Science
- Journalism
- Political Science
- Business
- Finance
- Sociology
- Arts and Humanities

Those interested may apply for this program if they are citizens of the Republic of Uzbekistan and fluent in English, are candidates for or have a doctoral degree, or are professionals with at least 15 years work experience at the time of application. Additionally, all candidates must be in good health.

Application forms will be available at the Public Affairs Section of the U.S. Embassy beginning on May 1, 2004 as well as the US Embassy web site
**http://web.usembassy.uz/home/index.aspx?&=&mid=329**

**Address:** **41 Buyuk Turon Street, Tashkent**
**Telephones:** **(8 - 371) 133-70-96, 133-35-81, 133-59-74**
**E-mail address:** **muradovaen@state.gov**

These forms are free of charge and may be photocopied.

Completed forms should be returned to the Public Affairs Section no later than November1, 2004.

Applicants who successfully pass the preliminary screening process will be invited for an interview.

## Hubert H. Humphrey Fellowship Program for the Academic Year 2005-2006

The Humphrey Fellowship Program is a one-year NON-DEGREE program of combined academic and professional development opportunities in the United States. The Fellowship program is meant for mid-level professionals in leadership positions working in either public or private sector.

**Fellowship fields for applicants from Uzbekistan:**

- communications/journalism;
- natural resources and environmental management;
- public policy analysis and public administration;
- economic development;
- agricultural development/agricultural economics;
- finance and banking;
- human resource management;
- law and human rights;
- urban and regional planning;
- technology policy and management;
- education, including planning, educational administration, curriculum development, and the teaching of English as a foreign language;
- public health policy and management, including HIV/AIDS policy and prevention as well as drug abuse education, treatment and prevention.

**Eligibility requirements for this competitive program:**

- Uzbek citizenship;
- a first university degree (Bachelor's degree) as a minimum;
- at least FIVE YEARS of progressive professional experience;
- good potential for leadership in one's field;
- a commitment to public service in a wide variety of fields;
- good English language proficiency (TOEFL scores no lower than 525/paper-based and 195/computer-based)

**Who is ineligible to apply?**

- Recent graduates (even if they have significant positions);
- faculty members with no management responsibilities;
- individuals with recent U.S. or third country experience (more than 6 months within the last 5 years);
- individuals with dual U.S. citizenship or permanent resident status.

DO NOT apply if you want to pursue an advanced academic degree in the U.S. (this is a NON-DEGREE program) or if you want to attend a specific U.S. university. **The CLOSING DATE for submission of applications is August 31, 2004.**

Applications must include academic transcripts and English language translations of all non-English documents.

Additional information and application forms (please call first) are available at the American Embassy, Public Affairs Section, 41 Buyuk Turon Street, Tashkent and in electronic form on: **http://web.usembassy.uz/home/index.aspx?&=&mid=330** in MS Word Format

The contact telephone number for the Public Affairs Section is (998 71) 120 6225, e-mail: MuradovaEN@state.gov

# У элим-юртим деб яшади

***Халқимиз орасидан узоқ тарих мобайнида сон-саноқсиз алп эрлар билан бир қаторда кўпдан-кўп шон-шуҳратли аёллар ҳам етишиб чиққан. Ўтган XX аср ҳам бундан мустасно эмас. Бу даврда миллатимиз бағрида Зулфиядай улуғ шоира, Ҳалима Носирова, Сора Эшонтўраева, Мукаррама Турғунбоевадай довруқли санъаткорлар, Хадича Сулаймонова, Сабоҳат Азимжонова, Нозима Деҳқонхўжаева, Фозила Сулаймоновадай илм-фаннинг улкан намояндалари пайдо бўлиб, табиатларидаги салоҳиятларини катта куч билан намоён эта олдилар. Биз сизга ҳаёти ва фаолияти тўғрисида ҳикоя қилмоқчи бўлганимиз яна бир фозила аёл, атоқли олима Мақсуда Ҳожинова ватанимиз ва халқимиз олдидаги катта хизматлари билан мана шу муҳтарама аёлларимизнинг шарафли қаторида фахрли ўрин тутади.***

Мақсуда Ҳожинова ўзбеклар орасидан техник фанлар йўналишида етишиб чиққан биринчи профессор эди. Кейин шу соҳада биринчи бўлиб академиклик унвонига ҳам эришди. Илм-фан олдидаги катта хизматлари «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби» юксак унвони билан тақдирланди.

Олима, айни пайтда, республикамизнинг улкан педагогларидан бири эди. У қирқ йилга яқин олий таълим тизимида педагоглик қилди. Ўн етти йил мобайнида Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида ректор бўлиб ишлади. Ўзбекистон тўқимачилик ва енгил саноатининг минглаб етук малакали кадрлари Мақсуда Ҳожинovани ўзларига меҳрибон она ва устоз деб билади. Уни доимо чуқур қалб эҳтироми билан хотирлайдилар. У институт ҳузурида йирик қурилишларни амалга оширди. Бу олий таълим даргоҳининг ҳозирги олти қаватли бош ўқув биноси, қатор илмий лабораториялар, талабалар уйлари, институт профессор-ўқитувчиларининг оилалари учун кўп қаватли уй, болалари учун мўлжалланган боғча, институтнинг Бўстонлиқ тумани ҳудудидаги оромгоҳ ўша даврларда бунёд этилди. Улар устоз олима ва педагогдан қолган ёдгорликлардир.

Мақсуда Ҳожинова илм-фан шайдоси эди. Ҳалигача эслаб юришади: у докторлик диссертацияси устида ишлаётган пайтларида, қоровуллардан бекиниб, институт тажрибахоналарида туни билан қолиб кетар экан... Бундай заҳматли меҳнатлар эса ўз самарасини берди. Йирик рус олими Г. Н. Кукин шундай сўзларни ёзиб қолдирган: «Мақсуда Ҳожинова Ўзбекистонда биринчи бўлиб пахта толаларининг тузилиши, хоссаларини ўрганиш ва таснифлаш мавзуига асос солди ҳамда тўқимачиликда материалшунослик ихтисослиги мактабини яратди».

Мақсуда Ҳожинова — она ватани ва халқининг садоқатли қизи эди ҳамда унинг обрў-эътиборини ошириш ишига қўлидан келганича ҳисса қўшишга интилди. Ватанга тааллуқли ҳар бир нарса унга азиз эди. Масалан, дунёда пахта Америкада, Хитойда ва яна бир неча мамлакатларда етиштирилади. М. Ҳожинова учун «Ўзбек пахтаси» деган сўз тумордай эъзозли эди. «Пахтамизнинг жаҳон бозорида мавқеи баланд бўлиши керак. Дунё бизнинг пахтамизга интилсин!» — Мақсуда Ҳожинова бундай фикрни талабалар тўла залларда, илмий анжуманларда, мамлакатнинг мўътабар минбарларида туриб қайта-қайта айтар эди.

Пахта эса толадан бошланади. Демак, толанинг сифати учун курашиш керак. Унинг фан номзодлиги ва докторлик диссертациялари шу масалага бағишланди. Бундай сифатни таъминлашга эса ҳаётда кўп нарса халақит беради. Олима пахтани қайта ишлаш саноатида тола сифатини шикастлантирувчи босқичларни бирма-бир ўрганиб чиқди ва уларни бартараф этиш усулларини таклиф этди. Толани чигитдан ажратишда, тозалашда, титиб-савашда, йигиришда қўлланиладиган технологик жараёнлар унинг сифатига путур етказар экан. Олима шундан келиб чиққан ҳолда, тегишли корхоналарда технологик жараённинг меъёрини белгилади ва қатор ўринли таклифлар киритди. Унинг таклифлари пахтани қайта ишлаш саноатини такомиллаштиришда ҳамон хизмат қилмоқда.

Шундан кейин М. Ҳожинова ғўзани дефолиация қилиш ва пахтани машинада териш жараёнларида ҳам тола сифатида жиддий бузилишлар рўй беришини аниқлади. Унинг бу йўналишдаги таклифлари ҳам




тегишли мутахассислар томонидан қабул қилиниб, ғўза баргини кимёвий усулда тўкиш шароитида ва пахта териш машиналарининг қурилмаларини такомиллаштиришда инобатга олинди.

Олима, ниҳоят, пахта толасида кўзга ташланадиган биологик нуқсонларни ҳам ўрганди. Маълум бўлишича, пахта экилганидан токи пишиб етилгунига қадар турли хил касалликларга чалиниши оқибатида толанинг сифатида бузилиш рўй берар экан. Академик олиманинг бу борадаги илмий хулосалари далаларда пахта етиштириш жараёни агротехникасини қайта кўриб чиқишда муҳим аҳамият касб этади.

Олиманинг ўз тадқиқотларида илгари сурган илмий-амалий ғоялари катта аҳамиятга эга бўлиб, бошқа мамлакатларда ҳам обрў-эътибор топди. Унинг китоблари ва мақолалари кўплаб хорижий тилларга таржима қилинган. Масалан, америкалик мутахассислар М. Ҳожинова тадқиқотлари мавжуд илмий ва технологик хулосаларни ўз мамлакатларида амалиётга кўпдан бери жорий этиб келмоқдалар.

Олиманинг орзулари мустақиллик йилларида мамлакатимизда кенг кўламда рўёбга чиқмоқда. Республикамизда пахта ва ипакни қайта ишлаш тизими, тўқимачилик корхоналари халқаро андозаларда такомиллаштирилмоқда. У ўз умрини бағишлаган олий таълим даргоҳи — Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида эса ҳозирги кунда барча ўқув-амалиёт машғулотлари ҳамда илмий ишлар хориждан келтирилган энг замонавий техника ва технологиялар базасида олиб борилмоқда.

М. Ҳожинова миллатимиз тарихини адолатли ёритишга хизмат қиладиган яна бир тадқиқот ўтказганки, уни ҳам ғурурланиб эслагимиз келади. Маълумки, собиқ совет даврида илм-фанда ва жамоатчилик онгида ипакчиликни Ўзбекистон Хитойдан ўзлаштирган, деган қараш қонунлашиб қолган эди. Бунга бир қадимги Хитой муаллифининг милоддан аввалги II аср охирида ёзиб қолдирган «Тарихий хотиралар» номли китобида мавжуд айрим иборалар сабаб бўлган. Аввало, Н. Я. Бичурин деган мутахассис ушбу китобни рус тилига таржима қилишда айрим ноаниқликларга йўл қўйганлиги бугун аниқланган. Иккинчидан, археологлар мамлакатимиз ҳудудида мавжуд, бундан 4 минг йил олдинги қабрлардан топган кийим-кечак парчаларини М. Ҳожинова раҳбарлигидаги бир гуруҳ олимлар тадқиқ этиб, уларнинг табиий ипакдан тўқилганини исбот этдилар. Агар юқорида эсланган Хитой ёзма ёдгорлиги тахминан 3000-3500 йил олдин яратилганлигини ҳисобга олсак, М. Ҳожинова ундан деярли 5 аср илгари мамлакатимизда ипак кийимлар ва ипак тўқимачилиги мавжуд бўлганлигини ашёвий далиллар асосида аниқлади. Унинг бу хизмати олиманинг теран ватанпарварлигидан далолат бўлиб, ҳаммамиз учун, айниқса, ёшлар учун ўзига хос ибрат кучига эга.

М. Ҳожинова ўз шахсиятида замонавий ва анъанавий миллий таълим-тарбияни узвий бирлаштирган етук зиёли инсон эди. Шундай бир воқеани ҳикоя қилишади: 70-йилларнинг бошида институт ўқитувчиларидан бирининг уйида таъзияли ҳол юз беради. Опа бошлиқ институт ўқитувчилари жамоаси кўнгил сўраш учун бу хонадонга боришади. Бироқ хонадонга киришгач, ҳеч ким марҳумнинг ҳақига Қуръон тиловат қилишга журъат этмайди. Негаки, бунинг оқибати ўша кунларда ёмон тугаётган эди. Ҳамма бир-бирига қарайди. Шу пайт М. Ҳожинова жуда латиф, арабчага яқин талаффузда тиловат қила бошлайди. Фотиҳа ўқилгач, опа эркакларга қараб:

— Нега қўрқасизлар? Ахир марҳумнинг сизлардан сўнгги илинжи шу-ку! Тиловат бизнинг миллий урф-одатимиз. Уни бажариш бурчимиз, — дедилар. Ҳамма опага тан берди. У ҳақиқий олима ва чин ўзбек аёли эди.

Олима оғир юрак хасталигига чалиниб, 1981 йилнинг 5 ноябрь куни 70 ёш арафасида вафот этди. Аммо ундан одамлар хотирасида унутилмас эзгуликлар қолди.

Мўътабар олимани хотирлаб институтда бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, 2-ўқув биносининг кираверишида олимага ёдгорлик лавҳаси ўрнатилган. Институтда «Академик М. Ҳожинова хона-музейи» фаол ишлаб турибди. Бу ерда ҳар йили 5-6 нафар энг аъло ўқиётган қизлар «Академик М. Ҳожинова номидаги стипендия»га сазовор бўлади. Олиманинг Яккасарой туманида яшаган кўчаси унинг номи билан юритилмоқда.

— Мақсуда опанинг шогирди бўлганимдан ғоятда мамнунман, — дейди институтнинг ҳозирги ректори, профессор Ҳалима Алимова. — Қалби кенг, инсонпарвар, заҳматкаш бу олима ўзидан бизга кўпгина ибратли хислатларни мерос қилиб қолдирди. Биз устоз яратган илмий-педагогик мактабга содиқ бўлиб, ҳозирги янги шароитда унинг хайрли ишларини давом эттираяпмиз. Мақсуда Ҳожинова ҳамиша ёдимизда ва ёнимиздадир.

**Абдусаттор АБДУҒАФФОРОВ,**
**Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти 1-проректори.**
**Михли САФАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**




Тақдимот

***Юртимиздаги кўплаб тарихий обидаларнинг қадр-қиммати уларнинг ЮНЕСКО "Жаҳон хотираси" халқаро рўйхатига киритилганлиги билан эътироф этилган. Бундай маънавий ва моддий бойликларимиз қаторига қадимий тарихий қўлёзма асарлари ҳам киради.***

# Ноёб нашр

Эътироф этиш жоизки, Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти республикамиздаги энг йирик қўлёзмалар хазинасига эга. Ўзбекистон Бадиий Академиясининг марказий кўргазмалар залида ана шу муассаса фондидаги ноёб расмлар таснифини ўз ичига олган "Шарқ миниатюралари" каталогининг биринчи ва иккинчи жилдлар тақдимоти бўлиб ўтди.

Мазкур каталогнинг I ва II жилдларида XIV — XV асрларда Марказий Осиёнинг асосий маданият марказлари саналган Самарқанд, Бухоро, Хива, Табриз, Шероз ва бошқа шаҳарларида машҳур ҳаттотлар томонидан яратилган саксонта қўлёзма асарлари ўрин олган. Уларда 2200 дан ортиқ ноёб миниатюраларнинг илмий таснифи берилиб, 400 га яқин оқ-қора тасвирлар илова қилинган. Аҳамиятли томони шундаки, миниатюраларнинг кўпчилиги Алишер Навоий, Низомий Ганжавий, Амир Хусрав Деҳлавий, Абдураҳмон Жомий, Ҳофиз Шерозий, Саъдий Шерозий, Фирдавсий каби кўплаб шарқ мутафаккирлари ва шоирлари асарларига мансубдир. Айни пайтда йирик тарихчилар Фазлуллоҳ Рашиддин, Шарафиддин Али Яздий, Мирхонд, Масъуд Кўҳистоний ва бошқалар асарлари қўлёзмаларига ишланган расмларда тарихимизнинг энг муҳим воқеалари ўз аксини топган.

Ўзбекистон Бадиий академияси ва Фанлар академияси олимларининг ижодий ҳамкорлигидаги ушбу ноёб асар яратилишига академик Г. Пугаченкова ҳамда тарих фанлари доктори А. Ўринбоев раҳбарлик қилган. Таъкидлаш жоизки, қўлёзмалар ва уларга тегишли миниатюра асарларини танлаш ҳам ўта мураккаб жараён. Шу маънода тарих фанлари докторлари А.Мадраимов, Э. Исмоилова, Шарқшунослик институти ходимлари Ш. Мусаевнинг хизматини алоҳида эътироф этиш жоиз.

Энг муҳими, ЮНЕСКОнинг моддий ёрдамида чоп этилган ушбу каталог тарихимизни ўрганишда яна бир муҳим манба бўлиб қолиши, шубҳасиз.

**М. ФАЙЗ.**





статистик маълумотлардан фойдаланувчиларга «Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборотномаси» тўпламини таклиф қилади.

**Тўпламда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари акс эттирилган.**

***Тўпламда қуйидаги маълумотлар келтирилган:***

- мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти;
- институционал ислоҳотлар;
- чет эл сармояларини жалб этиш;
- иқтисодиёт тармоқларининг ривожланиши;
- истеъмол бозори;
- ташқи иқтисодий фаолият;
- кичик тадбиркорликни ривожлантириш;
- ижтимоий соҳа ва бошқалар.

*Тўпламни харид қилиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилинг:*

**Тошкент ш., 700077, Буюк Ипак Йўли к., 63-уй.**
**Телефонлар: 67-19-10, 67-23-65, факс: 67-19-10.**
**www.stat.uz**
**E-mail:Gks@stat.uz**








Тошкент Молия институти жамоаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи, институт профессори

**Ҳикмат СОБИРОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари, яқинларига чуқур таъзия билдиради ва ҳамдардлик изҳор этади.

«Ўзқишлоқэлектрқурилиш» акциядорлик жамияти жамоаси меҳнат ва хавфсизлик техникаси бўлими собиқ бошлиғи

**Александр Абдуллаевич АСАНОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг қариндошлари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ректорати ва Бирлашган касаба уюшма қўмитаси «Халқаро бизнес» кафедраси доценти Алишер Собировга падари бузруквори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи, иқтисод фанлари доктори, профессор

**Ҳикмат СОБИРОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти жамоаси Ипак технологияси кафедраси профессори, техника фанлари доктори

**Идгай Зарифович БУРНАШЕВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ**

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Ҳайдаров, Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 669. 28754 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[T]-Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Г. Йўлдошева.
Навбатчи — С. Донийёров.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 21.30 1 3456